

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2018
ИЮНЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

З.ПАРДАЕВА	
Роман жанрининг культурологик қиёфаси	63
С.ҚУРОНОВ	
Исажон Султон романларида олам ва одам концепцияси.....	66
Ф.ДАДАБАЕВА	
Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарида портрет ва сифатлашлар таржимаси.....	69
М.ЖУРАЕВА	
Кундош образининг замонавий талқини.....	72

ТИЛШУНОСЛИК

А.МАМАЖОНОВ, Д.ТЕШАБОЕВ	
Қўшма гаплар семантикасига доир баъзи мулоҳазалар	76
Д.ТУРДАЛИЕВА	
Лисоний имконият ва бадий санъат	79
Н.АБДУЛЛАЕВА	
Синтактик градуонимия.....	84

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.ХОЖИМИРЗАЕВ	
Мактабгача таълим муассасаларида асосий гимнастика воситаларининг ўрни	87
Р.ДЖАЛИЛОВА	
Ўрта Осиё меъморчилигида наққошлик санъатининг тарихий ва замонавий моҳияти.....	92

ИЛМИЙ АХБОРОТ

К.ҚОДИРОВ, Т.БАКИРОВ, Ҳ.ҚОДИРОВА	
Математик фанларни ўқитишда улар орасидаги узвийликни очиб бериш ҳамда ўзаро алоқадорликдан фойдаланиш.....	95
Л.РАХИМОВА	
Ядросида Бессель функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	99
М.РАХИМОВ, Ф.ТУХТАСИНОВ	
Жадал технология шароитида четдан келтирилган сигирларнинг сут маҳсулдорлигига боқув технологиясининг таъсири	101
А.ЭРМАТОВ	
Корхона захира (резерв) капиталининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	103
Л.БЕГИМҚУЛОВА	
Шоҳруҳ Мирзонинг давлатчилик фаолиятига оид айрим мулоҳазалар.....	106
М. УСМАНОВА	
Нутқ фаолиятининг хусусиятлари ва ривожланиши	108
Ҳ.ЖУРАЕВ, И.АБДУРАҲИМОВА	
Бобур лирикасида ифоданинг маъно қатламлари	111
Н.ТОШЕВА	
Халқ топишмоқлари эпиграф сифатида.....	113
Г.РОЗИҚОВА	
Ноодатий боғланиш – услубий восита сифатида.....	116
З.АКБАРОВА, Ш.АНВАРХУЖАЕВА	
Нутқ маданияти масалаларининг ўрганилишига доир.....	118
Ш.АСКАРОВА	
Немис тили дарсларида лексикани ўргатиш методлари.....	120
М. КАРИМОВА, И.МЕРГАНОВ	
Ўрта асрлардаги педагогик фикрларнинг маънавий моҳияти.....	123

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Илмга бахшида умр.....	126
-------------------------------	-----

УДК: 41+004.69

ИСАЖОН СУЛТОН РОМАНЛАРИДА ОЛАМ ВА ОДАМ КОНЦЕПЦИЯСИ

С.Қуронов

Аннотация

Мақолада Исажон Султон романларида илгари сурилган олам ва одам концепцияси ёритилган. Ёзувчи ҳикояларининг бадиий-ғоявий мазмуни постмодернизм йўналиши тамойиллари асосида таҳлилга тортилиб, глобализация даврида инсоният қаршида турган янги мақсад ва вазифаларнинг бадиий ифодаси ўрганилган.

Аннотация

В статье освещена концепция мира и человека, отраженная в романах Исажона Султона. Рассматривая идейно-художественную сущность рассказа писателя с точки зрения постмодернизма, выявлено авторское понимание целей и задач человечества, стоящих перед ним в условиях глобализации.

Annotation

The article covers the concept of peace and man, reflected in the novels by Isajon Sulton. Considering the ideological and artistic essence of the writer's story in terms of postmodernism, an author's understanding of the goals and tasks of humanity facing him in the context of globalization is revealed.

Таянч сўз ва иборалар: постмодернизм, модернизм, хаос, шахс концепцияси, олам ва одам концепцияси, глобализация.

Ключевые слова и выражения: постмодернизм, модернизм, хаос, концепция личности, концепция мира и человека, глобализация.

Keywords and expressions: postmodernism, modernism, chaos, the concept of personality, the concept of peace and man, globalization.

Истиқлол даври ўзбек насрида Исажон Султон ижоди алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, ёзувчининг “Боқий дарбадар” ва “Озод” номли романлари бадиий-ғоявий, ифодавий жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бу романларда умуминсониятга хос азалий муаммолар янги йўналишларда, Шарқ ва Ғарб эстетик тафаккури анъаналарининг синтези ўлароқ ўз бадиий ечимини топади.

Бугун дунё шиддат билан ўзгармоқда. Янги аср юксак технологик ютуқларни тақдим этгани ҳолда, инсоният қаршисига яна минглаб муаммоларни ҳам кўндаланг қўймоқда. Глобал исиш натижасида экология йил сайин ўзгариб ҳайвонот ва наботот оламига зарар етмоқда. Сиёсий-ижтимоий муносабатлар таранглашган, демократия кризисга учраган. Ядровий қуроолларнинг ҳавфи кундан-кунга ортиб бормоқда... Хўш, шундай чигал вазиятда инсон қандай ҳаёт кечирмоғи лозим? Бу муаммоларнинг муайян ечими борми? Исажон Султон ўз романлари билан ана шу саволларга жавоб излашга уринади. Бугунги глобал дунёда инсонга йўл кўрсатишга, унинг ҳаётий мақсад ва вазифаларини эслатиб қўйишга ҳаракат қилади. Шу маънода ёзувчи ўз романларида олам ва одам муносабатларининг янги модели, янги концепциясини илгари суради. Аслида, Исажон Султон асарларидаги ўзига хослик ҳам, унинг насримизга киритган

янгилиги ҳам шунда кўринади.

“Боқий дарбадар” романи (“Шарқ юлдузи” 2010 йил, 6-сон) том маънода Исажон Султоннинг ижодий салоҳиятини, ўзига хос йўналишини белгилаб берди. Мутахассислар асарни ўзбек романчилигидаги янги ҳодиса дея баҳолади. “Боқий дарбадар” [1] рамзий-фалсафий роман бўлиб, ёзувчи атиги 80 саҳифалик асарга бугунги дунёнинг глобал муаммоларини, жар ёқалаб бораётган инсониятнинг мудҳиш қисматини сиғдира олган. Бу қадар кенг қамровли мавзуни кичик ҳажмли асарга жо этишда ёзувчи постмодернизм йўналиши жуда қўл келади. Адабиётшунос Д.Қуронов бу ҳақида шундай ёзади: “Боқий дарбадар”да анъанавий эпосга хос воқеабанд сюжет ўрнида сиртдан бир-бирига боғланмай турли макон ва замонда, гоҳ реаллик, гоҳи хаёлотда кечувчи воқеалар тасвирланган, марказида рисоладагидек қахрамон турмаган бўлса-да, уларни бир нарса – ҳаётнинг маънисию башарият тақдири ҳақида ўйга толган муаллиф шахси бирлаштиради, яхлит бутунликка – романга айлантиради...” [2.15] Д.Қуроновнинг мазкур таърифидан сўнг айтиш мумкинки – роман постмодерн йўналишида битилган. Зеро, оламини узук-юлуқ турли фрагментлар билан тасвирлашга уриниш постмодернизмнинг асосий қонунияти ҳисобланиди.

Рус файласуфи П.Гречко “Ҳозирги кунда “постмодернизм”дай оммабоп, мавҳум ва кўп қиррали термин йўқ”, деб ёзган эди. Шу маънода ўзбек адабиёти

С.Қуронов – филология фанлари бўйича фалсафа доктори.

намуналарини постмодернизм йўналиши тамойиллари асосида таҳлилга тортиш баъзи назарий чалкашликлару сунъий хулосаларни келтириб чиқариши мумкинлигини инкор этмаймиз. Аммо муаммонинг иккинчи бир тарафидан асло кўз юмиб бўлмайди: глабаллашув, илм-фан тараққиётининг янги босқичга кўтарилиши, ҳар қанча тараққий топмасин, табиатнинг “оддий” ҳодисаларига ойдинлик киритолмаётган, на коинотнинг ва на кичик зарра(молекула)нинг чеку чегарасини тополмай танг бўлаётган инсон салоҳияти ва унинг ўзгариб бораётган мақсадлари, ҳаётий маъноси, умуман, адабий жараён шаклланаётган давр, янги ижтимоий муносабатларнинг санъатга таъсири масаласи ҳам борки, бу миллий адабиётимизда яратилаётган муайян асарларга янгича бир нигоҳ билан қарашга ундайверади. “Боқий дарбадар” романида ҳам ёзувчи оламнинг яхлит моделини турли диний ривоятлар, тарихий маълумотлар, замонавий илмий қарашлар, технологик ютуқлар, жаҳон фалсафасига доир йўналишлар ва қарашларнинг ўзаро кесишган нуқтасида яратишга уринади. Эътиборли жиҳати, ёзувчи ўз бадиий концепциясини илгари суришда Ғарб адабий анъаналаридан тўлиқ андаза олмайди, балки Шарқ ва Ғарб анъаналарини ўзаро синтез қилади.

“Боқий дарбадар” романида кетар йўлидан адашган башарият қисмати қаламга олинган бўлиб, унда ўргимчак тўридай чирмашиб кетган ўнлаб йўлларда манзилга интилаётган, ҳаётдан, яшашдан маъни қидириётган қаҳрамонларни кўриш мумкин. Том маънода асар “мен кимман?”, “отим нима?” саволлари теграсига қурилгандек тасаввур уйғотади. Зеро, асардаги ҳар бир қаҳрамон шу савволларга жавоб излашга уринади. Ёзувчи инсониятнинг тобора таназзулга юз тутаетгани сабабини ўз Роббисидан юз ўгираётганида, азалий қадрият ва ақидаларига беписандлик қилаётганида кўради. У бу ғояни асар марказидаги қаҳрамон – этикдўз мисолида беришга уринади. Асарнинг бадиий ғоясида этикдўз том маънода бутун инсониятнинг рамзи саналади. Зеро, минг йиллар олдин шу этикдўз Яратганнинг суюкли бандасига қўл кўтариб тавқи ланатга учрайди. Шу кундан бошлаб бу ланатланган инсон чигал дунёнинг боқий дарбадарига айланади. У ўз манзили ҳақида билади, аммо унга олиб борувчи йўлларни билмайди. Бани башар эса кунган кунга ўзи шундоқ ҳам манзили мавҳум йўлларни янада кўпайтириш, чигаллаштириш билан овора. Бу кетишда у манзилдан бутунлай адашади... Хўш унда

йўлда адашмаслик учун, саодат манзилига тўғри бориш учун нима қилмоқ керак? Ёзувчи бу саволга профессор Зиёнинг ўғли мисолида жавоб ахтаришга уринади. Ўғил барча жумбоқларнинг ечимини Аллоҳга имон келтириш, тақдири азалга тан беришда кўради: “Кенглигига ақл бовар қилмас улкан курраи заминни муаллақ суздириб қўйсаю қайноқ сувларда, дарахт танасининг ғоваклариди ва ҳатто тошларнинг ичида ҳам ўзининг қудратига далолат бўлсин ва инсон боласи кўрсин учун жонзотларни яратган бўлса... шуларни англасаму ўзимнинг ҳақирлигимдан хабардор бўлсам... қандай кўрқмасдан тура олай?” [3.40]. Ўғил инсон ўзлигини англаши учун теварак атрофга қулоқ тутиши кераклигини ҳам айтади: “...Теварагимиз рамзларга ва тимсолларга тўладир. Ҳар бир ўт-ўлан ақл қулоғига, сиз назарда тутган тафаккур боис, баланд овоз билан хитоб қилиб турмоқдадир. Тошларнинг ва жамики махлуқларнинг ҳам имон келтириб қичқиришини эшита олиш учун илм ва тафаккур керак”. Яъни профессорнинг ўғли шу илмларни эгаллаб абадий дарбадарликка юз тутган одамлар сафидан чиқишни орзу қилади: “Мен ҳозир дунёнинг ҳар бир мамлакатиди, ҳар бир гўшасида, ҳалол ва имонли кишилар билан бир қаторда, ана шундай дарбадар инсонларни ҳам кўрмоқдаман... Шундай дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини изламоқдаман”. Ўғилнинг бу сўзларида асарнинг умумий хулосаси жо бўлгандай, гўё. Чунки дарбадарликка мубтало бўлмасликнинг йўлларини ҳар бир инсон излаши, шу билан ўзини ва дунёни жар ёқасидан қайтаришга уринмоғи лозим.

Исажон Султоннинг яна бир “Озод” номли романи ҳам шарқона мумтоз фалсафа ва бугунги постмодернча дунёқарашни ўзида синтез қилган асардир. Романни ўқиркансиз, мусулмон шарқига хос дунёқарашнинг замонавий фалсафий ифодасига дуч келасиз. Унда бугунги глобал дунёда ўзлигини йўқота ёзган инсониятнинг саодатга эриш йўли хусусида сўз боради. Том маънода, ёзувчи олам ва одамнинг шарқона концепциясини янгича ифода йўсинида баён қилади.

“Озод” романи бадиий-ифодавий жиҳатдан ҳам шарқ адабиёти билан туташади. Зеро, асар сюжети Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарларидаги сюжетга моҳиятан яқин туради. “Мантиқ ут-тайр” асарида Семурғни излаб йўлга отланган қушлар 7 водийни босиб ўтадилар. Бу водийлар тасаввуфдаги Ҳақиқатга элтувчи 7 босқичнинг рамзидир. “Озод” романида ҳам бахту саодатга етказувчи

сирли лолани излаб йўлга отланган Озод 7 та маскани босиб ўтади: “Йўл аниқ: Учёнғоқдан ошиб ўтилса, ундан нарида Туз чўлию Ойдинкўл бор. Ойдинкўлдан ҳам нарида яйдоқ биёбон, биёбон ортида эса тошлоқлар ястаниб ётади. Кейин тоғу тош бошланиб кетади, янаям ичкарироқда, икки тоғ орасида сип-силлиқ баланд қоялар бўй чўзган, ўша қояларнинг энг тепасига чиқиб борилса бас” [3.7]. Биргина шу мисолдан англаш мумкинки, ёзувчи одам ва олам моҳиятини идрок этиш йўлида шарқ мумтоз адабиётига, аниқроғи, ислом таълимига таянади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Исажон Султон Атор ва Навоий аънанасига таяниб, асар воқеаларини муайян йўлда тасвирлайди. Бу ўринда ижодкор учун қаҳрамон етиб борган манзил эмас, балки босиб ўтилган ЙЎЛ бадий-фалсафий қийматга эга. Айтиш мумкинки, мазкур асарларни умумлаштирувчи жиҳат ҳам муайян синовлар билан инсонни комиллик сари элтувчи йўл образидир.

Бугун жаҳон маданиятига шарқона дунёқараш тобора кучлироқ таъсир этиб бормоқда. Машхур рус олими Юрий Борев “*Янги давр – янги парадигмалар демакдир*” [3.160] деб ёзади. У инсоният тарихидаги парадигмаларни тартиби билан санаркан, сўнги, модернизмдан кейинги (ҳозирги) даврни “Шарқ модели”, деб атайди. Унга кўра: “*Шарқ маданиятлари олға сураётган парадигма жамият ҳаётининг идеал ва мақсадларини кўрсатмайди, балки донишмандлик ва пуртадбирлик ила унинг йўлини белгилаб беради*” [4]. Унинг Шарқ фалсафаси ҳақидаги фикрлари Атор ва Навоийнинг юқорида эслаб ўтилган асарлари билан бирга “Озод” романининг мазмун-моҳиятига ҳам мос келади. Яъни “Озод” романидаги воқеалар ифодасида анланган манзил (идеал) тасвири эмас, балки шу манзилга элтувчи йўл ва унга қадар йўловчининг товланиб бориши муҳимроқ.

Юқоридаги каби ғояларни илгари сурган асарлар сирасига жаҳонга машхур ёзувчи Пауло Коэлонинг “Алкимёгар” романи ҳам қўшиш мумкин. Зеро, асар шарқона фалсафани ўзида мужассам этгани билан

аҳамиятли. “Алкимёгар”да ҳам йўловчи образи тасвирланади. “Алкимёгар” романининг хазина излаб йўлга тушган Сантяго исмли қаҳрамони ўз манзилига яқинлашиб бораркан, комилликка эриша бошлайди. У манзилга етиб келганда эса, излагани ўз юртида эканлигини тушуниб етади. Яъни хазина ўзи билган хароба бинонинг остига кўмилган эди. Аммо Сантяго ўз ҳаётининг мазмунига айланган бу хазинани (аслида, хазина кенг маънода бахтни анлатади) узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтмасдан топа олмаган бўлар эди. Худди шунга ўхшаш воқелик “Озод” романида ҳам акс этади. Роман қаҳрамони ҳам бахтнинг тимсоли лолани қидириб йўлга чиқаркан, манзилга қадар турли воқеалару синовларни бошдан кечиради. Ахийри, манзилга етган Озод лоланинг ўзидай ночор, унинг ўзидай бахтга орзуманд маҳлуқот эканлиги кўриб барига тушунади: “Бахту саодат нима эканини энди-энди англамоқдаман... йўлимда учраган ҳамма нарса аслида хулоса чиқаришим ва маънисини англашим учун атайлаб йўлларимга сочиб қўйилганини ҳам тушуняпман.” Шунда Озод ўзидаги мислсиз кучни юртига қайтгандагина ҳис қилади. Айни шу жиҳатлар, ҳар икки роман сюжетини Шарқ мумтоз адабиёти намуналарига бориб туташтиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биз Исажон Султон романлари мисолида мавзу кўлами глобаллашган, бир давлат, бил миллатга хос муаммоларни эмас, балки бутун башарга хос масалаларни қамраб ола бошлаган ўзбек насрини кўришимиз мумкин. Исажон Султон инсоният мавжудлигининг моҳияти, унинг яшайдан мақсади ва вазифаларини янгича бадийий модел, янгича бадийий концепцияда ифодалашга уринган. Шу маънода бугун ўзбек ёзувчиси илгари сураётган олам ва одам концепциясининг асл илдизлари, ижтимоий, фалсафий ва тарихий асосларини белгилаш замонавий адабиётшунослигимизнинг долзарб муаммоларидан биридир. Албатта, бу жараёнда адабиётшунослигимиз жаҳон илмидаги янгича йўналишларга таянмоғи лозим.

Адабиётлар:

1. Исажон Султон. Озод. – Т.: “Шарқ”, 2012.
2. Қуроноф Д. Ўйлашга ундовчи асар. // “Шарқ юлдузи” журнали. - 2010 йил, 6-сон.
3. Султон И. Боқий дарбадар. // “Шарқ юлдузи” журнали. -2010 йил, 6-сон
4. Ю.Борев. Инсон ва инсоният ҳаётининг олий мақсади ва маъноси // “Шарқ юлдузи” журнали. - 2011 йил, 4-сон.
5. Расулов А. Акслар фалсафаси. – Т.: “ШАРҚ”, 2012.

(Тақризчи: А.Сабирдинов, филология фанлари доктори).